



**“МИКРОКРЕДИТБАНК” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ  
УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БАЁННОМАСИ**

---

04 октябр 2019 йил  
бошланиш вақти 11:00

№ 3

Тошкент шаҳри,  
Лутфий кўчаси, 14-уй,  
мажлислар зали

<b>Раислик қилувчи:</b>	Ш. Юнусов – Банк Кузатув кенгаши аъзоси, Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги бош мутахассиси.
<b>Иштирокчилар:</b>	Банк акциядорлари, Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув аъзолари ва марказий аппарати таркибий бўлинмалари раҳбарлари.
<b>Жами овоз берувчи акциялар сони:</b>	977 701 551 дона.
<b>Иштирок этаётган акциядорларнинг овоз берувчи акциялар сони:</b>	880 219 731 дона.
<b>Йиғилиш кворуми:</b>	90,03 фоиз.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
2. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши аъзоси ваколатини муддатидан илгари тугатиш.
3. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши янги аъзосини сайлаш.
4. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг 2018 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдасини тақсимлаш.

5. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки томонидан “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари” тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва ушбу Қоидаларга Банкнинг риоя этиши тўғрисидаги хабар бериш шаклини тасдиқлаш.

6. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомига ўзгартиришлар киритиш ва “Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги”ги низомини тасдиқлаш.

7. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш.

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки  
акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши  
регламентини тасдиқлаш.**

**Биринчи масала** бўйича, йиғилишда раислик қилувчи йиғилиш материалларида банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентининг лойиҳаси (матни 1-иловада келтирилади) тақдим этилганлигига уларнинг эътиборини жалб этиб, уни тасдиқлаш зарурлигини билдирди ва қуйидаги қарор матнини овозга қўйди.

Муҳокамадан сўнг, мазкур масала юзасидан қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

“1. Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин”.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар:	880 219 731	овоз,	100	фоиз.
Қаршилар:	0	овоз,	0	фоиз.
Бетарафлар:	0	овоз,	0	фоиз.

Овоз бериш натижалари асосида, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки  
Кузатув кенгаши аъзоси ваколлатини муддатидан  
илгари тугатиш.**

**Иккинчи масала** бўйича йиғилишда раислик қилувчи банк Кузатув кенгаши мажлисининг 2019 йил 9 сентябрдаги 3-сонли баённомаси билан Ўзбекистон Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 2019 йил 7 сентябрдаги 07/18-1-сонли хатига асосан, банк Кузатув кенгашининг қўйидаги аъзосининг ваколлатини муддатидан илгари тугатиш таклиф қилинган:

т/р	Ф.И.О.	Эгаллаб турган лавозими
1.	Кудбиев Шерзод Давлятович	Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири лавозимида ишлаган

Муҳокамадан сўнг, мазкур масала юзасидан қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

“2. Кудбиев Шерзод Давлятовичнинг “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги ваколлати муддатидан илгари тугатилсин”.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар:	880 219 731	овоз,	100	фоиз.
Қаршилар:	0	овоз,	0	фоиз.
Бетарафлар:	0	овоз,	0	фоиз.

Овоз бериш натижалари асосида, банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

2. Кудбиев Шерзод Давлятовичнинг “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши аъзоси сифатидаги ваколлати муддатидан илгари тугатилсин.

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки  
Кузатув кенгаши янги аъзосини сайлаш.**

**Учинчи масала** бўйича йиғилишда раислик қилувчи банк Кузатув

кенгаши йиғилишининг 2019 йил 9 сентябрдаги 3-сонли баённомаси билан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш Агентлигининг 2019 йил 7 сентябрдаги 07/18-1-сонли хатига асосан, банк Кузатув кенгашига қўйидаги номзодни киритиш таклиф қилинган:

т/р	Ф.И.О.	Эгаллаб турган лавозими
1.	Маматкулов Ганишер Абдукаримович	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори

Йиғилишда раислик қилувчи Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилишини таъкидлаб, овоз беришни таклиф этди.

**Кумулятив овоз бериш натижалари:**

Маматкулов Ганишер Абдукаримович 880 219 731 та овоз.

Кумулятив овоз бериш натижалари асосида, банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги директори Маматкулов Ганишер Абдукаримович “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Кузатув кенгаши аъзоси этиб сайлансин.

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг  
2018 йил фаолияти якуни бўйича соф фойдасини  
тақсимлаш**

**Тўртинчи масала** бўйича йиғилишда раислик қилувчи сўзни Банкнинг Бухгалтерия ҳисоби ва молия департаменти директори И. Тайлаковга берди.

И. Тайлаков Банк Кузатув кенгаши йиғилишининг 2019 йил 9 сентябрдаги 3-сонли баённомаси билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Банк назорат қўмитасининг 2019 йил 14 июндаги 121/3-сонли баёнига асосан Банк томонидан 2018 йилда олинган 2 509 098 713,04 сўм миқдорида соф фойдани Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишига қўйидагича тақсимлаш тавсия қилинганлигини айтиб ўтди.

Банк Кузатув кенгаши йиғилишининг 2019 йил 9 сентябрдаги 3-сонли баённомасида берилган тавсия муҳокамасидан сўнг, мазкур масала юзасидан қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

“4. 2018 йил фаолияти якуни бўйича банкнинг соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

а) 2018 йилда олинган 2 509 098 713,04 сўм миқдорида соф фойдани 100 фоиз миқдорда умумий захира фондига йўналтирилсин ҳамда умумий захира фондига йўналтирилган 2 509 098 713,04 сўм миқдорида маблағнинг 2 480 262 713,04 сўмини (98,85 фоизини) – Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 32-моддаси, Банк Уставининг 12.7.-бандининг л) кичик банди ва 2017 йил якуни бўйича 2018 йил 30 июндаги Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши баённомасининг 6.1.-бандига мувофиқ тақсимланмаган зарарни қоплашга юборилсин;

б) умумий захира фонди ҳисобидан 28 836 000,0 сўми (1,15 фоиз) – Банкнинг имтиёзли акциялар номинал қийматининг 20 (йигирма) фоизи миқдорида дивиденд тўлаш учун юборилсин, бунда:

хар бир дона имтиёзли акцияга 213,60 (икки юз ўн уч) сўм 60 тийин дивиденд ҳисоблансин ва тўлансин;

дивидендни пул маблағлари билан тўлансин;

дивидендни қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кун ичида тўлаб берилсин;

дивидендни тўлашни бошлаш санаси 2019 йил 4 октябр, тўлашни тугатиш санаси 2019 йил 3 декабр куни қилиб белгилансин”.

#### **Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар:	880 219 731	овоз,	100	фоиз.
Қаршилар:	0	овоз,	0	фоиз.
Бетарафлар:	0	овоз,	0	фоиз.

Овоз бериш натижалари асосида, банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

4. 2018 йил фаолияти якуни бўйича банкнинг соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

а) 2018 йилда олинган 2 509 098 713,04 сўм миқдорида соф фойдани 100 фоиз миқдорда умумий захира фондига йўналтирилсин ҳамда умумий захира фондига йўналтирилган 2 509 098 713,04 сўм миқдорида маблағнинг 2 480 262 713,04 сўмини (98,85 фоизини) – Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 32-моддаси, Банк Уставининг 12.7.-бандининг л) кичик банди ва 2017 йил якуни бўйича 2018 йил 30 июндаги Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши баённомасининг 6.1.-бандига мувофиқ тақсимланмаган зарарни қоплашга юборилсин;

б) умумий захира фонди ҳисобидан 28 836 000,0 сўми (1,15 фоиз) – Банкнинг имтиёзли акциялар номинал қийматининг 20 (йигирма) фоизи миқдорида дивиденд тўлаш учун юборилсин, бунда:

хар бир дона имтиёзли акцияга 213,60 (икки юз ўн уч) сўм 60 тийин дивиденд ҳисоблансин ва тўлансин;

дивидендни пул маблағлари билан тўлансин;

дивидендни қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кун ичида тўлаб берилсин;

дивидендни тўлашни бошлаш санаси 2019 йил 4 октябр, тўлашни тугатиш санаси 2019 йил 3 декабр куни қилиб белгилансин.

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки томонидан “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари” тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини олиш ва ушбу Қоидаларга Банкнинг риоя этиши тўғрисидаги хабар бериш шаклини тасдиқлаш.**

**Бешинчи масала** бўйича йиғилишда раислик қилувчи Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 2018 йил 20 апрелдаги 15-сонли мажлис баёни билан маъқулланган “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари” ҳамда ушбу Қоидалар тавсияларига Банк томонидан риоя қилиш мажбуриятини олиш ва бу ҳақда хабар бериш шакли (матни 2-иловада келтирилади) ишлаб чиқилганлиги тўғрисида ахборот берди.

Муҳокамадан сўнг, мазкур масала юзасидан қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

“5. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки томонидан “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари”

тавсияларига риоя қилиш мажбурияти олинсин ва ушбу Қоидаларга Банкнинг риоя этиши тўғрисидаги хабар бериш шакли 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин”.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар:	880 219 731	овоз,	100	фоиз.
Қаршилар:	0	овоз,	0	фоиз.
Бетарафлар:	0	овоз,	0	фоиз.

Овоз бериш натижалари асосида, банк Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

5. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки томонидан “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув Қоидалари” тавсияларига риоя қилиш мажбурияти олинсин ва ушбу Қоидаларга Банкнинг риоя этиши тўғрисидаги хабар бериш шакли 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг  
“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомига ўзгартиришлар  
киритиш ва “Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби  
тўғрисидаги”ги низомини тасдиқлаш.**

**Олтинчи масала** бўйича йиғилишда раислик қилувчи “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомига киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиришлар (матни 3-иловада келтирилади) ва “Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги (матни 4-иловада келтирилади) низомлар тўғрисида маълумот берди.

Муҳокамадан сўнг, мазкур масала юзасидан қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

“6. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомига киритилган ўзгартиришлар 3-иловага мувофиқ ва “Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги”ги низоми 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин”.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар:	880 219 731	овоз,	100	фоиз.
Қаршилар:	0	овоз,	0	фоиз.

Бетарафлар: 0 овоз, 0 фоиз.

Овоз бериш натижалари асосида, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

6. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги низомига киритилган ўзгартиришлар 3-иловага мувофиқ ва “Кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги”ги низоми 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

#### **“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш**

Еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи сўзни Инновацион ривожлантириш ва иқтисодий таҳлил департаменти директори Қ.Абдуллаевга берди.

Қ.Абдуллаев Банк ташкилий тузилмасига киритилаётган ўзгартиришларнинг лойиҳаси (5-иловада келтирилади) Банк Кузатув кенгашининг 2019 йил 9 сентябрдаги йиғилишида кўриб чиқилганлигини ва тасдиқлаш учун Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши муҳокамасига киритилганлигини айтиб ўтди.

Банк ташкилий тузилмасига киритилган мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5780-сонли Фармонига асосан тижорат банклари зиммасига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш ва банк фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган.

Банкнинг ташкилий тузилмасига қуйидаги ўзгартиришлар киритилган:

Бошқарув раисининг ўринбосари лавозими;

Ички назорат департаменти таркибидаги – Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўлими, Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармасига;

Чакана банк хизматлари кўрсатиш департаменти таркибидаги – Мини банк ва операцион марказлар бўлими, Банк хизматлари марказлари ва мини банклар фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармасига;



Юридик шахсларни кредитлаш департаменти тиркибидаги – Микромолиявий ва кичик бизнесни ривожлантириш бўлими, Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари бўлими.

Муҳокамадан сўнг, мазкур масала юзасидан қуйидаги қарор матни овозга қўйилди:

“7. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг ташкилий тузилмасига киритилган ўзгартиришлар 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин”.

**Овоз бериш натижалари:**

Тарафдорлар:	880 219 731	овоз,	100	фоиз.
Қаршилар:	0	овоз,	0	фоиз.
Бетарафлар:	0	овоз,	0	фоиз.

Овоз бериш натижалари асосида, Банк Акциядорларининг умумий йиғилиши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

7. “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг ташкилий тузилмасига киритилган ўзгартиришлар 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинган, йиғилишда раислик қилувчи “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши иштирокчиларига миннатдорчилик билдирди ҳамда йиғилишни ёпиқ деб эълон қилди.

Йиғилиш баённомаси 2019 йил “11” октябр куни икки нусхада тузилди.

Раислик қилувчи



Ш. Юнусов

Йиғилиш котиби



А. Отақўзиев